

Автошончнома бекор
килинади



Экспертлар
«Бууук келажак»-
ни тарк этгани
ростми?



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



ЖАМИЯТ

№ 35 (670)
2019 йил
13 сентябрь,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета 2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган www.bong.uz @ jamiyatgzt@mail.ru

УШБУ СОНДА

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MAKTABGACHA TA'LIM VAZIRLIGI
ANDIJON VILOYATI IZBOSKAN TUMANI
**41-SONLI MAKTABGACHA
TA'LIM TASHKILOTI**

«JONAJON O'ZBEKISTONIM,
MANGU BO'L OMON!»



«СЕХРЛИ ДИЁР»
ЭКИНЗОРЛАРИ
ОРАЛАБ

«ЯХШИ ЎФИЛ
БОШИМИЗНИ
ОСМОН ҚАДАР
КЎТАРАР...»

ОДАМ
БЎЛИБ КЕЛДИК,
ОДАМ
БЎЛАЙЛИК...

«МАРД ЎҒЛОН»
ЖИНОЯТ
СОДИР ЭТДИ

Обдон ўрганиб чиқилганда Избосканда мактабгача таълим тизимидаги таъминот тизимида таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик авжига чиқиб кетганини кўриш мумкин. Буни назорат қилиши лозим бўлган органлар эса ҳолатни кўрса ҳам кўрмасликка олишайётганини қандай тушуниш керак?

Болалар ҳақини ким еяпти?



Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар

**ҚИСҚА
САТРЛАРДА
ЎҚИНГ!**

10 сентябрь 2019 йил. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунни имзолади.

Автошончнома бекор қилинади

Президент «Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони имзолади.

Унда қайд этилишича, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб яқин қариндошлар ўртасида нотариал тасдиқланган автошончнома бекор қилинади.



Шажара дастури яратилмоқда

Ушбу дастурга мавжуд фуқаролик ҳолати далолатномалари бўйича маълумотлар тўлиқ киритилади ҳамда «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими билан интеграция қилиниши таъминланади. Бунда «ФХДЁ ягона электрон архиви» ахборот тизимини такомиллаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Бу борадаги тегишли комплекс чора-тадбирлар режаси 2021 йилнинг декабрь ойигача ишлаб чиқирилиши режалаштирилган. Ижро этилишига масъул — Адлия вазирлиги.



Агентликлар сони яна биттага ортди

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Қуйидагилар Агентликнинг идоравий бўйсунувига ўтказилди:

Президент мактаблари; тасдиқланган штат жадвалини ва уларни молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий органлари ҳузуридаги Абдулла Орипов, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Муҳаммад Юсуф, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Ризо Эрнӣзбек ўғли Огаҳий, Ҳалима Худойбердиева ва Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаблари, шунингдек, Ўзбекистон Респуб-


ликаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Исҳоқхон Ибрат номидаги ижод мактаби;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати ва Абу Али Ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернати.

Контрактни бўлиб тўлаш мумкин

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2019 йилда олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматининг ўрнатилишига оид шарҳ билан чиқди.

Қайд этилишича, аҳолига тўловларни амалга оширишда енгиллик яратиш мақсадида контракт суммаларини ойма-ой бўлиб тўлаш имконияти берилди ҳамда олий таълим муассасалари ректорлари тўлов муддатларини узайтириш ваколатига эга бўлади.



Терговчи ва прокурорлар учун янги ваколат

Ўзбекистонда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга янги ваколат берилди. Бу ҳақда 2019-2021 йилларда нотариат институтини янада такомиллаштириш бўйича «Йул харитаси»да айтилган.

Қайд этилишича, кўчмас мулк ва автотототранспорт воситаларини бошқа шахсга бериш тақиқланганлиги ва хатланганлиги тўғрисидаги маълумотлар-

ни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд (судья) томонидан «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимига тўғридан-тўғри киритиш ва тақиқни (хатловни) ечиш механизми жорий этилади.

Бу борадаги тегишли комплекс чора-тадбирлар 2021 йилнинг январь ойигача ишлаб чиқирилиши лозим.

Экспертлар «Buuyuk kelajak»ни тарқ этгани ростми?

«Buuyuk kelajak» халқаро нодавлат-нотижорат ташкилотининг ўн нафар эксперти ташкилот ичида юзага келган айрим муаммолар сабаб ташкилотни тарқ этишини маълум қилишди.

Улар бу ҳақда ташкилотнинг Facebook ижтимоий тармоғидаги саҳифасида изоҳ қолдиришган.

Эслатиб ўтамиз, «Buuyuk kelajak» ХННТ Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш ва уларга кўмаклашиш билан шуғулланади. Ташкилот 2035 йилгача Ўзбекистоннинг ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш мақсадида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йилнинг апрель ойида ташкил этилган.



Пойтахт аҳолисига қулайлик

2019 йилнинг 10 сентябрь санасидан 18, 43, 72 ва 166-йўналишли таксиларнинг ҳаракат жадвалига ўзгартириш киритилди. Бу ҳақда Тошкент шаҳар ҳокимлиги матбуот хизмати телеграм канали орқали маълум қилди.

— 18-сонли «Кўйлик-2 мавзеси ва «Дўстлик» метроси» АШБ оралиғида қатновчи йўналишли таксининг охириги бекати «Машинасозлар» метросидаги АШБгача узайтирилди ва йўналиш 18-сонли «Кўйлик-2 мавзеси — «Машинасозлар» метроси» оралиғида қатновчи такси йўналиши деб номланди.

— 43-сонли «Хумоюн мавзеси — «Дўстлик» метроси» АШБ йўналишида ҳаракатланувчи йўналишли таксининг қатнов масофаси қисқарди ва унинг охириги бекати «Машинасозлар» метроси ёнидаги АШБ деб белгиланди.

— 72-сонли «Авнасозлар» АШБ — «Дўстлик» метроси» АШБ оралиғида

қатновчи йўналишли таксининг охириги бекати ҳам ўзгарди. Энди у «Машинасозлар» метросидаги АШБгача боради.

— 166-сонли «Тузел мавзеси — «Дўстлик» метроси» АШБ йўналишида қатновчи йўналишли такси энди «Машинасозлар» метроси АШБгача бўлган оралиқда қатнайди.



Дорихоналарда видеокузатув камералари бўлиши шарт!

«Дори воситалари ноқонуний айланишининг олдини олиш чораларини кучайтириш тўғрисида» Президент қарори қабул қилинди.

Унга кўра, 2019 йил 1 декабрдан бошлаб кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилган дориларнинг чакана савдоси фақат ижтимоий ва тегишли лицензияга эга бўлган дорихоналар томонидан амалга оширилади.

Қарор билан қуйидагилар белгиланди:

— кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилган дорилар учун ёзилган рецептлар дорихоналарда бир йил давомида сақланади;

— беморга рецептни дориларни рецептни расмийлаштирмасдан тайин-

лаш тақиқланади;

— 2020 йил 1 январдан бошлаб дорилар ва тиббий буюмларнинг савдо жараёнини узлуксиз равишда видеога ёзиб олиш ва бир ой давомида видео-ёзувларни сақлаш мазкур фаолият учун лицензия талаби ҳисобланади ва талабнинг мунтазам бир йил давомида бир мартадан кўп бузилиши лицензиянинг амал қилишини тугатиш учун асос бўлади.

2021 йил 1 январга қадар электрон тарзда рецепт бериш ахборот тизими жорий этилади. Мазкур ахборот тизими 2021 йил 1 мартдан Тошкент шаҳрида, 2022 йил 1 мартдан бошлаб эса республиканинг барча ҳудудларида мажбурий равишда қўлланилади.

Интернет материаллари асосида «Жамият» мухбири Баҳринос МАДУМАРОВА тайёрлади.



11 сентябрь 2019 йил. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Болалар ҳақини ким еяпти?

Таълим тизимини тубдан такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида мактабгача таълим муассасаларини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. МТМларни таъмирлаш, янгидан қуриш, жиҳозлаш ва таъминот борасида давлат бюджетидан салмоқли маблағлар ажратилмоқда. Яқинда Андижон вилоятида хизмат сафарида бўлганимизда, бизга мактабгача таълим вазирлигига қарашли муассасаларда ишловчи бир гуруҳ ходимлар мурожаат қилишди. Шунга кўра, Мактабгача таълим вазирлиги Избоскан туман бўлимига қарашли бир қанча муассасаларга бордик ва гувоҳи бўлдикки, соҳада ҳали жуда катта муаммолар бор экан.

Ўз исмларининг сир сақланишини илтимос қилган мурожаатчиларнинг илдоаларини текшириш мақсадида Мактабгача таълим вазирлигининг Избоскан туман бўлими бошлиғи ўринбосари Раъно Қамбарова билан суҳбатлашдик. Биргаликда бўлимга қарашли бир қанча муассасаларда бўлдик.

Болаларга нима берилляпти?

Биз дастлаб Избоскан туман маркази ҳисобланган Пойтуғ шахридаги 41-сон мактабгача таълим муассасасига йўл олдик. Ушбу МТМда 125 нафар бола тарбияланар, мудира вазифасини эса эндигина олий таълим муассасасининг сиртки бўлими биринчи курсини тугатган Гулнора Қодирова бажаряётган экан. Биз у кишининг ҳамроҳлигида боғча ошхонасига кириб, таомномалар билан танишдик. Ажабланирлики, 125 нафар боланинг таомига 12,5 килограмм гўшт ўрнига бор йўғи 8-9 килограмм назарда тутилганига, боз устига бир ҳафтадан бери таомнома мудира томонидан тасдиқланмаганига гувоҳ бўлдик. Болаларга берилляётган тез бузилувчан маҳсулотларнинг бирортасини ҳам истеъмолга яроқлилиги хусусида тегишли сертификати йўқ. Бундан ташқари музлаткичда бор-йўғи чамаси 5 килограмм мол ёғини ҳисобга олмасак бошқа ҳеч нарса йўқ! Мудиранинг айтишича, маҳсулотлар тугаб, кейинги ой учун буюртма берилган, бироқ ўтган етти ой учун озиқ овқатларга берилган буюртманомалардан биронта нухсани хўжалик ишлари бўйича мудир ўринбосари, ҳамшира ва мудира ҳам излаб топа олмади. Юқ хатига асосан эса муассасага бор йўғи 125 килограмм гўшт маҳсулотлари олиб келинган, шундан 70 килограмм мол гўшти, 55 килограмм товуқ гўшти. Бу ҳар бир тарбияланувчи учун кунига бор йўғи 5,5 килограмм гўшт тўғри келади дегани. Ҳолбуки, биз борган 4 МТМда эса 125 нафар тарбияланувчига 250 килограмм, жумладан 178 килограмм мол гўшти, 72 килограмм товуқ гўшти етказиб берилган. Худди шундай шакар ҳам 41 МТМга 50 килограмм, 4 МТМга эса 100 кило-

грамм етказиб берилган. Биз бу ҳолатга Избоскан туман мактабгача таълим бўлими бошлиғи ўринбосари Раъно Қамбаровадан изоҳ сўраганимизда елка қисиб, бундай бўлиши мумкин эмаслигини билдирди. Шундан кейин биз борган 42 МТМдаги ҳолат эса бизни янада ажаблантирди. Ушбу мактабгача таълим муассасасида на таомномани, на озиқ-овқатларнинг юк хатини топишнинг имкони бўлмади. Эътиборимизни тортган томони шу бўлдики, ушбу МТМга бир пайтлар Феруза Сайданова мудиралик қилган, кейин эса унинг ўрнига аввалига келини Дилафруз Эшматова, яқинда эса эндигина олий ўқув юртининг иккинчи курсига ўтган қизи Наргиза Обидова мудира лавозимига тайинланган. Тавба, Избосканда МТМ раҳбарлиги оилавий пудратга айланганмикан, дея ўйлаиб қолдик.

Избоскан туман МТМ бўлими бизнес марказими?

Аниқлашимизча, июнь ойида туманга қарашли барча МТМларга туман бўлими раҳбари Назира Қобилова



томонидан номини аниқлаш имкони бўлмаган хусусий тадбиркорга тегишли доскалар мажбурий равишда 100 минг сўмдан сотилган экан. Ушбу ҳолатни Қамбарова инкор этмаган ҳолда, доскани сотиш ташаббуси туманнинг эмас, балки вазирликнинг тавсиясига кўра ҳомийлар маблағлари эвазига муассасаларга сотилганини айтса-да, бизга бу гапларни тасдиқловчи бирон ҳужжатни тақдим қила олмади. Боз устига, мудиралар ушбу доскаларни шахсий

маблағлари эвазига сотиб олишга мажбур бўлганликларини, бироқ ҳеч қандай касса чеки ёки юк хати берилмаганини тасдиқлашди.

Тумандаги муассасаларга 2019 йил 15 июндаги № 6913292 шартномага кўра, туман бўлими раҳбарига алоқадор бўлган «Истиқбол фаровони» МЧЖ томонидан етказиб берилиши керак бўлган чойшаб ва ёстиқлар 18 июль кuni мактабгача таълим вазирлиги Избоскан туман бўлимида иқтисодчи лавозимида ишловчи Ойшахон томонидан бўлимга тегишли «Дамас» автомашинасида 30 дан ортқ МТМларга юк хати тақдим қилинмасдан тарқатилганини қандай тушуниш мумкин?

Ўрганишлар жараёнида аниқлашимизча, мактабгача таълим муассасасида ишловчи Шоҳруҳ Халиловга алоқадор «Избоскан ишонч ихлос» МЧЖ томонидан МТМларга 30 килограммдан деярли истеъмолга яроқсиз бўлган саримсоқ пиёз мавжуд метёрий ҳужжатларга хилоф равишда етказиб берилган.

Обдон ўрганиб чиқилганда Избосканда мактабгача таълим тизимидаги таъминот тизимида таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик авжига чиқиб кетганини кўриш мумкин. Буни назорат қилиши лозим бўлган органлар эса ҳолатни кўрса ҳам кўрмасликка олишяётганини қандай тушуниш керак?

МТМ мудирларидан бирининг айтишича, «Избоскан туман мактабгача таълим бўлими раҳбари Назира Қобилова ўз вазифасига панжа орасидан қараётгани боис таъминот масаласи ачинарли ҳолга келиб қолган. Мажлисларда ходимларни туман МТМ раҳбари томонидан ҳақоратлаш оdatий ҳолга айланган. Шу боис ҳам таълим сифати яхшиланиш ўрнига орқага кетмоқда.»

Бу ходим сўзининг исботи сифатида бизга ижтимоий тармоқларда тарқалиб кетган баъзи ёзувларни тақдим этди. Эътиб кўриб, наҳотки тумандаги, вилоятдаги мутасаддилар муқаллас даргоҳ ҳисобланган таълим муассасаларида бўляётган бу каби нохуш ишлардан беҳабар қолишганига ишонип қийин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, давлатимиз томонидан мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш учун жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бироқ ушбу соҳа ходимлари аввало ўзларини, ўз вазифасига бўлган муносабатини ўзгартирмас экан, барча уринишлар зое кетди. Қолаверса, болалар ризқига хиёнат қилиш, шахсий манфаати йўлида уларга келиб чиқши шубҳали, сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш тубанликнинг ўзи эмасми?

Ўйлаймизки, Избоскан туманидаги ҳолатни тегишли мутасаддилар атрофлича ўрганиб чиқди ва тез орада кўрсатилган камчиликларни бартараф этди.

Д.РЎЗМЕТОВ,
«Жамият» мухбири

Тадбиркор ва сармоядорлар диққатига!

«Respublika Aukcioni» МЧЖ очик аукцион савдога таклиф этади!

«Respublika Aukcioni» МЧЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдога «TOSHSANARTRANSXIZMAT» ОАЖ «TOSHKENT TRAMVAYI» Унитар корхонасига тегишли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

«Тошкент шаҳри Яққасарой тумани Бобур кўчаси 57-уй». Бошланғич баҳоси — 2 359 560 000 сўм.

Аукцион савдо 2019 йил 2 октябрь кuni соат 15:00 да Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек тумани Бўз мавзеси кўчаси 69 уйда бўлиб ўтади. Аукцион савдода иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кuni олдин соат 16:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги кўчмас мулклар белгиланган кунда сотилмаган тақдирда, муддатли бўлиб тўлаш шарти билан 2019 йилнинг 31 декабрига қадар ҳар ҳафтанинг сешанба кuni соат 15:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдога қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

— юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаини нухсаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқладиган ҳужжатнинг нухсаси;

— jisмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нухсаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда, расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқладиган ҳужжатнинг нухсаси.

Савдо голибга савдо ўтказилган кундан бошлаб 30 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулкнинг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини «Respublika Aukcioni» МЧЖнинг АКБ «Туронбанк» Яшнобод филиалидаги х/р: 20208000200996008001, МФО 01083, СТИР 306056621 га савдода иштирок этиш учун тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек тумани Бўз кўчаси 69 уй.
Тел.: (98) 302-19-11



6 сентябрь 2019 йил. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони матбуотда эълон қилинди.



«Сехрли диёр» экинзорлари оралаб

Аслида, Американинг ҳар бир штати бир давлат мақомига эга. Ўзбек тилидаги Америка Қўшма Штатлари атамаси илк бор тилимизда ХХ асрнинг 30-йилларидан қўллана бошлаган. Шунинг учун ҳам бугун «қўшма» ва «штат» атамалари бироз эриш туюлади.

Майли, бу алоҳида мавзу. Биз Америкага саёҳатимиз давомида мамлакатнинг жанубий штатларидан бири — Аризонада ҳам бўлдик.

Финикс — қудан яралган афсона

Америка хилма-хиллик, контраст манзаралар диёри. Бу тафовутларни мамлакатнинг ҳар бир штатида кўриш мумкин. Аризона штати ҳам иқлими, аҳолиси, турмуш тарзи, жўрофий тузилиши, иқтисодий салоҳияти нуқтаи назаридан бошқа ҳудудлардан фарқланади. АҚШнинг 48-штати. Бугунги кунда штат аҳолиси 6,7 миллион кишидан ортқ. Кишини афсонавий манзараси билан лол қолдирадиган Катта Каньон ҳам штатнинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган. Штат ҳудудининг катта қисми плато, тоғлар ва саҳролардан иборат.

Аризона номининг этимологияси ҳақида аниқ тўхтамайлик. Базилларнинг фикрича, бу сўз қадимги ацтеклар тилида «туғилаётган олтин» маъносини билдирса, бошқалар пима қабиласи тилида «кичкина ирмоқ» деган маънони англатишини баён қилишади. Ҳатто штат номи испан тилидаги «Арида зона» (қуруқ ер)дан олинган дегувчилар ҳам бор.

Чиндан ҳам Аризонада испан тили иккинчи тил саналади. Финикс аэропортининг ичидаёқ инглиз ва испан тилида янграётган эълонлардан бунинг дарров сезиш мумкин. Чунки Аризона ҳудуди 1863 йилга қалар Мексикага тобе бўлган. Штат аҳолисининг 30 фоизга яқинини испан тилида гаплашувчи халқлар ташкил қилади.

Нихоят, бир гуруҳ ўзбек журналистлари замонавий микроавтобусда штат пойтахти Финикс шаҳри маркази томон йўл олди. Бир томонда Финикс АҚШдаги энг йирик шаҳарлардан бири. Бу ерда атрофдаги шаҳарчалар билан қўшиб ҳисоблаганда 5 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилади.

Ташқарида Солт водийси қўйнидаги улкан шаҳар манзаралари кўзга ташланади. Олисларда эса Саннислоуп тоғи тизмалари ястаниб ётибди. Биз борган пайтимиз Финиксдаги йилнинг энг иссиқ пайтларига тўғри келган эди. Машинанинг муздеккина салоидида шаҳар манзараларини кузатиб бориш қанчалик мароқли бўлса, бундай жазирамада кундуз куни пиеда юриш шунчалик машаққатли.

Шу сабабли ҳамроҳларимиз билан

кечки пайт шаҳар айланмоқчи бўлдик. Бироқ кечқурунлари ҳам шаҳардаги дим ҳаводан одамнинг нафаси қайтади. Шунинг учунми, кўчаларда пиедаларни деярли учратмайсиз. Дезерт-вью тумани ҳудудиде жойлашган меҳмонхонадан маҳаллалар оралаб анчагина яёв юриб қўйдик.

Кўчалар нимаси биландир ўзимизнинг маҳаллаларни ёлга солади. Ушбу туманда кўп-қаватли уйлardan кўра бир қаватдан иборат, пастқам ҳовиллар кўпроқ. Уйлар шу қадар пастки, қўл узатсангиз, бемалол томига етиши мумкин. Чамаси бу уйлarning ички қисми чуқурак бўлса керак. Ҳамроҳларимиз

ларига қадар, пахтачилик Америка иқтисодиётининг асосий тармоғи ҳисобланган. Мамлакатнинг жанубий штатларида миллионлаб гектар майдонларда пахта етиштирилган. Бугунги кунда пахта майдонлари сезиларли даражада қисқарган бўлса-да, лекин кўпгина ҳудудлар, хусусан, Аризонада пахта далаларига тез-тез кўзингиз тушади.

Штат марказидан тахминан 80 чақирим масофадаги Пинел тумани (The Pinal county) ҳудудиде бизни «Keywood form» фермер хўжалиги раҳбари Ненси Кейвуд хоним кутиб олди. У аёл 65 ёшга кирган бўлса-да, унинг теглик ҳаракатлари, ажинсиз юзлари, тик қоматига қараб, бунга ишонгингиз келмайди.

Каса Гранде шаҳри яқинидаги ушбу ферма Ненси хонимнинг бобосидан мерос қолган. Жаноб Кейвуд ўтган асрнинг 30-йилларида ушбу фермага асос солган. Дастлаб фермада юзлаб ёлланма ишчилар меҳнат қилган. Ненси хоним ҳам эсини шу далада таниган. Калифорния университетини битириб, шу ерда қишлоқ хўжалиги бўйича талабаларга дарс берган.

Ненси хонимнинг ака-укаси йўқ. Синглиси шаҳарда туради. Шу боис, отасининг фермаси эгасиз қолишини истамасди. Пенсияга чиққач, фермага қайтиб, отасининг ишини давом этирмоқда. Айтганча, унинг отаси ҳалиям ҳаёт, 89 ёшда бўлса ҳам дала ишларига аралашиб тураркан.

Биз борган пайтда Ненси хонимнинг гўзалари эндигина қўсақ боғлаган, ҳар тун гўзадаги гуж-гуж қўсақлар ҳосил

«Ташқарида Солт водийси қўйнидаги улкан шаҳар манзаралари кўзга ташланади. Олисларда эса Саннислоуп тоғи тизмалари ястаниб ётибди. Биз борган пайтимиз Финиксдаги йилнинг энг иссиқ пайтларига тўғри келган эди. Машинанинг муздеккина салоидида шаҳар манзараларини кузатиб бориш қанчалик мароқли бўлса, бундай жазирамада кундуз куни пиеда юриш шунчалик машаққатли.»

дан бири айтиб қолди: ер бағирлаб қурилган иморатлар қишда иссиқ, ёзда салқин бўларкан.

Қадрдон пахтазорлар

Аризонани Ўзбекистон билан боғлаб турадиган яна бир жиҳати бор — пахта! Чиндан ҳам Финикс шаҳридан чиқиб, штатнинг жанубий минтақалари томон кириб борганингиз сари кўзингиз таниш манзара — кенг пахта далаларига тушади. Сафаримиздан мақсад Америка қишлоқ хўжалиги билан танишиш бўлгани учун ҳам ишни биринчи бўлиб, пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларидан бошладик.

Эрталаб йўлга тушдик. Олифта кийинган «Форд» микроавтобуси ҳайдовчиси 287-шоссе бўйлаб, машинани соатига 70 миля тезликда елдириб бормоқда. Режага кўра, пахтачилик билан шуғулланадиган фермер хўжалиги фаолияти билан танишишимиз керак.

Маълумки, XVII асрдан ХХ аср ўрта

нинг юқори бўлишидан дарак бериб турарди. Фермер аёл 250 акр (тахминан 100 гектар) ерининг асосий қисмига пахта экар, ҳосилни маҳаллий биржалар орқали савдога чиқараркан. Этиборлиси, унинг ишига ҳеч ким четдан аралашмайди. Мажбурий экин ёки мажбурий нарх-наво деган тушунчалар унинг

етти ухлаб тушига ҳам кирмагани аниқ. Пахта йиғим-терими мавсуми бошланиши билан унинг даласига бир гуруҳ «ҳашарчилар»ни юборишмайди. Иш Ненси хонимнинг ўзидан, оила аъзолари ва икки нафар хизматчисидан орт-



майди. Бугунги кунга келиб, Американинг барча штатлари қатори бу ерда ҳам қўл меҳнатидан деярли фойдаланилмайди.

Ненси хоним барча америкалик фермерлар сингари ўзи етиштирган ҳосилни махсус биржалар орқали ўзи сотади. Ҳеч ким туман ёки штат идорасидан туриб унга нима етиштириш ва ҳосилни кимга қанчадан сотиш ҳақида кўрсатма бермайди.

Албатта, муаммолар ҳам йўқ эмас. Ненси хоним учун энг катта муаммо — сув. Америкада сувнинг ҳар томчиси ҳисобда. Фермерлар сув учун давлатта катта миқдорда пул тўлашади. Бу йил олдингиларидан иссиқ келди. Аризонада эса, сув анча тақчил.

Чигитни қалашдан то гўзапоения йиғиштиришгача бўлган агротехник тадбирлар техникала бажарилди. Дарвоқе, америкалик фермерлар чигит ва гўзапоения биздагидай пахта ёғи ёки ёқилги манбаи сифатида эмас, шунчаки табиий ўғит сифатида қарашаркан.

Ненси хоним махсус «Кейс» тракторида биз билан дала айланди. Далалар бир-бирига ўхшайди. Атрофга кўз ташлаб, Америкада эканимизга ҳам ишонгимиз келмайди. Худди қайсидир вилоятнинг экин майдонларида юргандекмиз. Ўша пахтазор, ўша уватлар, ўша ариқлар...

Ненси Кейвуд оиласи билан ўз фермаси ҳудудиде яшайди. Одамгина ҳосили бор. Бобосининг давридан қолган эски техникаларни ҳам эсдалик учун асраб қўйган. Унинг фермасига аграр соҳага қизиқадиган туристлар, университет тағабалари, олим ва мутахассислар тез-тез келиб туради. Хоним эса, ўзининг ҳаёти, меҳнат тарзи, ферма тарихи, ўз қизиқишлари ҳақида эринмай гапириб беради. Ерининг бир қисмида беда етиштираркан. Беданинг ер учун фойдали хусусиятлари олис Америкада ҳам маълум экани бизни ҳайратга солди. Ҳар қалай бизнинг ота-боболашимиз азалдан ерининг қувватини ошириш учун беда екишни тавсия этишади. Қолаверса, бедани йилда бир неча бор ўриб олиш мумкин.

Ненси хоним ҳам бу сирдан яхши хабардор шекилли, шабадада денгиз тўлқинларидек тебраниб турган мовий бедазорлари ҳақида завқ билан гапирди.

Рустам ЖАББОРОВ,
Тошкент — АҚШ — Тошкент



9 сентябрь 2019 йил. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунни имзолади.

Хозир ишбилармонлар даври. Бир сўм пулни эса тежамкорлик билан аниқ мақсадларга, оилага, фарзандлар камолига сарфлаш зарур. Бироқ айрим ҳайдовчиларимиз мана шу мисқоллаб тўпланган маблағини баъзан шошқалоқлик, баъзан қоидаларни яхши билмаслик, баъзи ҳолларда эса қонун-қоидаларга нисбатан ҳурматсизлик оқибатида жарима тўлашга сарфлайди.

2019 йилнинг ўтган саккизи ойи мобайнида йўл-патруль хизмати инспекторлари томонидан 4 миллион 42 мингта қоидабузарлик аниқланган. Шундан 1 миллион 779 мингдан ортигини қўпол қоидабузарликларга ташкил этган. Қўпол қоидабузарликларга алкоғолдан, гиёҳванд моддадан ёки ўзгача тарзла маст бўлган ҳолда транспорт воситасини бошқариш, светофорнинг ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишораларига бўйсунмаслик, ИПХ ходимининг транспорт воситасини тўхташга ҳаққоний талабини бажармаслик, белгиланган тезликни ошириш, темир йўл кесилмасидан ўтиш, қувиб ўтиш, одам ташини ва чорраҳадан ўтиш қоидаларини бузиш, авария ҳолатини келтириб чиқариш кабилар кириди. Бу қоидабузарликларнинг ҳар бири инсон ҳаётига жиддий хавф солиши мумкин. Чунки бунинг оқибатида турли йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлади, инсонлар ҳаётдан бевақт кўз юмади. Кимдир отасидан, яна биров онасидан ёки жондан азиз фарзандидан жуло бўлади. Айримлар шу фалоқат туфайли бир умрга ногирон бўлиб қолади. Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлмаган тақдирда ҳам у ўша ҳайдовчининг ҳамёнига, демакки, онлавий бюджетига

катта зарар етади.

Қоидабузарликлар ҳақида гапирар эканмиз, унинг айрим турлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Масалан, белгиланган тезлик талаблари бузилишини олиб қўрайлик. Агар ИИБ ЙХХ Бош бошқармасига келадиган кундалик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, бир кунда ўртача 2000-3500 киши

Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар

белгиланган тезлик талабларини бузаётганининг гувоҳи бўламиз. Бу шунчаки рақамлар эмас. Мана шу 3500 рақами ортида йўл-патруль хизмати инспекторлари томонидан олди олинган йўл-транспорт ҳодисалари, бевақт ҳалок бўлиши, бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолиши мумкин бўлган инсонлар тақдирини ётибди. Бу масаланинг бир томони. Унинг иккинчи томонида эса юқорида эслатганимиз — ҳамён масаласи туради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 128³-моддала ҳаракат тезлигини ошириб юборганлик учун жавобгарлик қай даражада тезликни ошириш миқдорига

қараб белгиланади. Яъни, ҳайдовчи белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ бўлмаган кат-



таликда ошириб юборса, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридан, соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан ортиқ бўлмаган катталиқда ошириб юбориши ёки транспорт

шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин

бир йил давомида такрор ошириб юбориши ёки транспорт воситаларини ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталиқда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун икки марта маъмурий жазо қўлланилди. Шундан кейин бир йил давомида тезликни такрор ошириб юбориши базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдоридан жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ортиқ катталиқда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши ёки транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40

километрдан кўп бўлмаган катталиқда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун икки марта маъмурий жазо қўлланилади. Шундан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши ёки транспорт воситаларини ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталиқда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун уч марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан икки йил муддатга маҳрум этилади. Базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдоридан жарима солишга олиб келади.

Ҳозирги кунда республикада базавий ҳисоблаш миқдори 223 минг сўмдан 5 миллион 575 минг сўмгача. Агар рўзгор, тирикчилик айнан мана шу машинанинг орқасидан бўладиган бўлса, ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум бўлиш даромаддан маҳрум бўлиш деганидир. Демак, машина бошқаришда тезликни ошириш ҳар томонлама зарарли. Тўғри-да, шунча миқдордаги жарима ҳар қандай оиланинг ҳам даромадига яхшигина салбий таъсир кўрсатади. Шунча пулни жаримага тўлагандан кўра, рўзгорга ишлатиш яхши эмасми? Буни изоҳлашга ҳожат йўқ. Хулосани ҳар ким ўз чўнтагига қараб чиқариши. Зеро, ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар.

Азизхон МУРОДОВ,
ИИБ ЙХХ Бош бошқармаси
Матбуот хизмати инспектори

Ички ишлар ходимларини кўрганимизда тинчлик ва осойишталик ҳимоячиси сифатида уларга ишонч ва ҳурматимиз ошади. Зеро, масъулиятли вазифани бажарётган бу соҳа вакиллари туну кун ўз хизмат вазифасини сидқидилдан бажармоқда. Афсуски, улар орасида шундай шарафли касбга доғ тушираётганлар ҳам учраб турибди.

Нодир Қорабоев (исм-фамилиялар ўзгартрилган) Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИБ профилактика инспектори лозимида ишлаб келаётган эди. Афсуски, у тўғри йўлдан адашди. Иш фаолияти давомида талбиркорлик билан шуғулланган танишига «ёрдам бериш»ни ўз зиммасига олган инспектор хизмат мақеидан фойдаланиб, «ишбилармонлик» қилишни режалаштиради.

Н.Қорабоев 2018 йилнинг 8 сентябрь кунни таниши Зилола билан иш юзасидан учрашмоқчи бўлиб, Чилонзор тумани Қатортол кўчасида жойлашган кафеларнинг бирига келади. Зилола ўзининг танишлари — Ахрор ва Санжар билан ўтирган даврага Н.Қорабо-

Юксак ишончни оқлаш керак

евни ҳам таклиф қилади. Суҳбат чоғида Ахрор анчадан бери қийнаётган муаммоси ҳақида гап очади. 2018 йилнинг июль ойида сирдарёлик «Зил» машинаси ҳайдовчиси Ахрорнинг 9 миллионлик темир маҳсулотларини олиб кетиб, қайтариб бермаётгани, бу ҳолат юзасидан у Учтепа тумани ИИБга мурожаат қилгани, бироқ орадан бир неча ой ўтган бўлса-да, бирор чора қўрилмаётгани ҳақида айтади. Шундан сўнг, Зилола Н.Қорабоевдан сирдарёлик ҳайдовчидан Ахрорнинг пулларини олишда ёрдам беришини илтимос қилади.

Н.Қорабоев ўзига бириктирилган ҳудудда мазкур иш бўйича туман ИИБга мурожаат қилган тақдирда ушбу мурожаат раҳбарият томонидан қонуний қўриб чиқиш учун ўзига берилишини билган ҳолда, қонун билан белгилаб қўйилган ваколатларини унутди. У Зилолага 2018 йил 9 сентябрь кунни ўзига бириктирилган маҳалла ҳудудида «Зил» юк машинаси ҳайдовчиси ва Ахрор ўртасида ўзаро жанжал бўлаётгани ҳақида Тошкент шаҳар ИИББнинг «102» хизмат телефон рақамига кўнғироқ қилдиради.

Н.Қорабоев ўзининг айбларини ёпиш мақсадида ёлгон устига қайта ва

қайта ёлгонлар тўқийди. Вазиятни янада ишонарли қилиш мақсадида навбатдаги — ҳужжатларни сохталаштириш режасини тузади. У Миробод туманидаги 3-сонли ИИБ бошлиғи номига 9 миллион сўм миқдордаги пул маблағларини олиб келаётган «Зил» юк машинаси ҳайдовчиси машинани Ахрорга қараб атайлаб бошқаргани ва воқеа жойидан яширингани ҳақида сохта ариза ва тушунтириш хати олади. Буни туман ИИБ НҚдаги Шақл-2 китобидан №57579-рақами билан қайд қилдиришга эришади.

Орадан бироз вақт ўтгач, Н.Қорабоевнинг виждони уйғонади. Касбида айрилишдан қўрқибми, ёки бошқа сабаб у ўзига бириктирилган ҳудудда жанжал бўлмагани ҳақида сохта далолатнома расмийлаштириб, ушбу далолатномага икки фуқарони холис сифатида қатнашгани ҳақида такроран сохта маълумотлар киритади.

Миробод тумани ИИБ ФМБ 3-сонли ИИБ бошлиғининг 1-ўринбосари эрталаб ишга келганида ҳовлида нотаниш бир фуқаро («Зил» машинаси ҳайдовчиси)ни қўриб, унинг нима мақсада келганини навбатчи ходимдан сўрайди. Навбатчи бу фуқарони профи-

Суд очерки

лактика инспектори Н.Қорабоев ариза юзасидан тахминан соат тунги 02:30 лар чамасида олиб келгани, бироқ ушбу шахсни ушлаб туришга ҳеч қандай ҳужжат расмийлаштирмагани маълум қилади. Бундан шубҳаланган Миробод тумани ИИБ ФМБ 3-сонли ИИБ бошлиғининг 1-ўринбосари шу кунни тушган хабар ва аризалар бўйича тезкор маълумотларни текширади. Текширувлар натижасида Н.Қорабоевнинг қилмишлари ошкор бўлади.

Халқимизда «Ёлгон айтган кишининг, хатари бор ишининг», деган мақол бежиз айтилмаган. Ҳар қандай ёлгон ва сохталикнинг ортида тубанлик, разиллик ётади. Айниқса, у халқ ишончига, эътирофига сазовор бўла туриб, унга беҳурматлик қилса, жиноятларнинг олдини олиш ўрнига уларни тарғиб этса, буни қандай тушуниш мумкин? «Мард ёлгон» Давлат мукофоти совриндори Н.Қорабоев «мард ёлгон» деган буюк номга муносиб бўлолмади. У виждонсизлик қилмаганида, балки келажақда юксак марраларни забт этармиди?

Жиноят ишлари бўйича Яққасарой туман суди Н.Қорабоевнинг қилмишига яраша жазо тайинлади.

Темур КАСИМОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Тошкент шаҳар
Яққасарой тумани суди судьяси



9 сентябрь 2019йил. Вазирлар Мақамасининг «Ички ишлар органларининг кинология хизматлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ассалому алайкум, ўғлим!

Бугун саховатан ёнинг тоза тонгида эрта уйғониб, бандалик ҳаёти неъматини шукронаси учун ибодат қилдим. Оҳиста тепанга келиб, ширин уйқудалигингни кўрдим. Саҳарнинг уйқуси энг жонбахш, тотли уйқу бўлади. Ҳадемай бандалик, эрлик, эркаклик шарафи билан шу ширин уйқудан кечиб, барвақт турадиган пайтларинг келади. Тонгдаги тоза дунё ҳам уйқудан-да тўзаллигини билиб оласан. Ҳозирча, мана, уйқуда жилмайиб, кулиб қўйдинг. Уйқуда бола кулса, бўйи ўсаятган бўлади, дейдилар. Ўсгин, унгин, болам!

Нега оилада ўғил дунёга келса, инсон айрича қувонади?!

Ҳеч нарса бежиз бўлмас. Бунда ҳам бир асос бордир...

Мен Ургутнинг кескин чўққилар пойидаги тоғ қишлоғида туғилиб, вояга етганман. Бу ерда ҳамма нарса шу тоғ қирралари каби кескин, ҳатто, сўз ҳам чўрткесар ва бешафқат, чунки ростдир. Ургутда қизми ё ўғилми, деб сўралганда, қиз туғилса: «Гўянда туғилди», ўғил туғилса: «Тобуткаш туғилди», дейдилар. Бунинг маъноси, инсон бу дунёни тарқатганда, қизлари дод-войлаб, ота-онанинг меҳрибонлигини айтиб йиғлайди, айтувчи «гўянда» бўлади. Ўғил бола эса «тобуткаш» бўлиб, тобутни кўтарди, ота-онанин ўз қўли билан қабрга қўяди. «Қиз ҳар кун керак, ўғил бир кун керак», — деган яна бир чўрткесар сўз ҳам шу маънодадир.

Ўғлим! Сен дунёга келганинча, Тангрим менга учта қиз — Чарос, Раъно ва Шаҳнони берди. Уларнинг ҳар бири туғилганда дунёларга сизга қувонганман. Яратганга ҳамду санолар айтганман, адоқсиз фароғат оғушига тушганман. Шуларни берганига ҳам неъматлари учун қарздорлигини теранроқ ҳис этганман. Бошқа бермасам ҳам, заррача даъвогарликка ҳақим йўқлигини билардим. Халқнинг Холиқ олдида, яратилганининг Яратганининг олдида заррача даъвоси бўлмайди. Фақат инсоний орзуим бор эди, умидвор эдим. Кичик қизим ҳам ўн иккига кирганда, ёшим элликка яқинлашганида Аллоҳ сени берди, шукрим бениҳоядир.

Ўғлим, эркакликнинг юксак мартабаси каби юксак масъулияти ҳам бор. Бу номни шунчаки кўтариб юрганлар эркак эмас, бу шарафни буюқ аждодларга хос

шараф билан оқлаб яшамоқ керак.

Сен туғилганда биринчи бўлиб, тунда отамга хабар қилдим. Оқшомдаёқ тоғдан воҳага тушиб, йўл босиб, тонгда Тошкентга келди.

«Яхши ўғил бошимизни осмон қадар кўтарар ...»

Шифокорларнинг тақиқига қарамай, ёнингга кирди. Пешонангдан ўпди, ерлар таҳоратсиз деб, маҳси билан кўрпачангни устига чиқиб, кўзида ёш билан, овози титираб, қулоқларингга азон айтди ва сенга АБДУЛАЗИЗ деб исм қўйди. Боланинг қулоғига биринчи кирган товуш Азон овози бўлсин, кейин дунё сасларини эшита бошлайди, деди. «...Энди менинг авлодимдан полвонлар эмас, уламолар чиқсин», — деб дуо қилди.

Ўғлим, аёллар бизга Аллоҳнинг омонатидир. Уларнинг инжиқликларига кенг бўл, эркаклик мартабасини биладиган тут.

Ўғил боланинг миясида қиз боланикидан тўрт миллионга кўп ҳужайра бор, аммо тестларда аёллар 3 фоиз кўпроқ натижага эга. Аёлларнинг мия қатламлари бир-бири билан 30 фоиз зиёд нервлар билан боғланган. Аёл бир вақтнинг ўзида кўп масалаларни ечишда давом этади, эркак мўйайн ишга асосли ра-

вишда киришади ва тугал ҳал қилади.

Ўғил бола ва қиз бола ҳатто турлича ухлайди, нейрологлар буни билади: уйқу пайтида эркак миясининг электрон фаоллиги 70 фоиз пастлайди, аёлнинг мияси эса — бор-йўғи 10 фоиз пастлайди, яъни уйни ва болаларни «қўриқлайди».

Эркак миясининг чап ярим шари нутқ ва уч ўлчамли кўриш учун масъулдир. Шу боис, агар эркакнинг чап томони лат сса, у нутқдан қолди. Аёлнинг нутқи учун иккита ярим шари ҳам жавобгардир. Эркакнинг нутқи атамалар ва ранг-баранг сўзларга бой бўлади, аёлнинг нутқида сўз кам бўлса-да, ҳис-ҳаяжон,

ҳар бир инсонга иккитадан кадоб келтир. Ҳақини мен тўлайман, — деди.

Ҳаммамиз у эркак учун хурсанд бўлди.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, ўша — ўғиллик бўлдим, дея ошхонада барчамизни таом билан сийлаган ҳотамтой эркакни кўчада учратиб қолдим. У етти ёшлар атрофидаги болани етаклаб, «ўғлим, юрақол!», деганига гувоҳ бўлдим.

Боласи бор экан-у, деган ўй билан ёнига бориб, ўша кунги воқеанинг сабабини сўрадим. У бўлган воқеани шундай изоҳлади:

— Ўша кун ошхонага тамалди қилишга кирганим. Ўрта ёшлардаги бир эркак

гга ҳам етказсанг — миллатга хизматингдир. Мақтов билан овузмай, рост айтиб, элнинг кўзини очсанг — бу ҳам сенинг миллатга хизматинг саналади.

Шу юртнинг, салтанат ўларок, боқийлиги, барқарорлиги, эрки ва бошқа салтанатлардан мустақиллигини асраш, шу заминда келгуси фарзандларимиз ҳақи одил ва фаровон тузум барпо этиш ўғилнинг Ватан олдидаги ному ва шараф юкидир.

Адолат ўрнатилишига оддий бир хизмат — ҳеч қачон пора бермаслик ва олмасликдир. Ишларни қонуний ҳал қилмоқликдир.

Яхши ўғил бошимизни осмон қадар кўтарди, ёмон ўғил қаддимизни букади, бошимизни ердан ҳам пастга эгади.

Ўғлим, иймон — бу ҳаёдор, деган ҳикмат бор. Шундай яшамонинг кераки,

Ватан, миллат, халқ ва оиланг — ота-онанг, қардошларинг сендан фахрлансин, асло сени деб хижолат бўлмасин.

Нафақат Ватанин, миллатини ва хонадонингни, балки ҳар бир инсоннинг номусини асраган каби ҳар қандай шахсин хижолатдан ҳам асрашинг керак.

Яна бир ривоятни эслатаман. Буюк авлиёлардан бири бўлган Ибн Асома хузурлари-га бир аёл арз билан келади ва гапириб жараёнида унинг қорни қулдураб кетади. Бундан аёлнинг юзи қизаради. Буни сезган Ибн Асома аёлга: «Қаттиқроқ гапиринг, менинг қулоғим оғир, гапингизни эшитмадим», — дейдилар. Тақсирнинг қулоқлари оғир экан, қорнимнинг қулдураганини эшитмабдилар, деб аёл хижолатдан фориғ бўлади.

Шу-шу Ибн Асома атрофидагиларга: «Қулоғим оғир, қаттиқроқ гапиринглар», деб йигирма йил юрадилар. Ҳамма «қулоғи қар Асома» деб лақаб қўйди. Йигирма йил ўтгач, бир кун қаттиқ гапиратган шоғирларига: «Секинроқ гапиривер, эшитяпман», — дейдилар. Шоғирларидан бири: «Эшитмас эдингиз-ку, устоз?!» — деб ҳайрон бўлади. Устоз йигирма йил аввалги воқеани айтиб бердилар ва: «Ҳар доим яхши эшитардим, лекин ўша аёл эшитиб қолса, хижолат бўлмасин деб, ўзимни қарга солиб келдим. Кеча ўша аёл оламдан ўтди, жанозаси ўқилди», — дедилар.

Ана шундай, бегона бир инсоннинг хижолат бўлмаслигини ўйлаган аждодларнинг вориси бўлган ўғиллармиз, болам.

Эркаклик, ўғиллик бурчимиз — оиламиз, миллатимиз, давлатимиз ва динимизга соҳиб чиқишимиздир.

Ўғил кўрганимда қувонганимнинг сабаби шудир.

Уйғонгин, унгин, ўсгин, болам.

Карим БАҲРИЕВ

«Ўғил боланинг миясида қиз боланикидан тўрт миллионга кўп ҳужайра бор, аммо тестларда аёллар 3% кўпроқ натижага эга. Аёлларнинг мия қатламлари бир-бири билан 30% зиёд нервлар билан боғланган. Аёл бир вақтнинг ўзида кўп масалаларни ечишда давом этади, эркак мўйайн ишга асосли равишда киришади ва тугал ҳал қилади.»

нола ва оҳанг зиёда. Эркак бир кунда 4000 та сўз айтса, аёл 8000 дан зиёд сўз, 10 000 дан зиёд новербал товушлар чиқаради.

Болам, билгинки, сени Аллоҳ ўғил қилиб яратди ва унинг масъулиятини юклади. Аёллар бизга омонатдир, делик. Ака бўлсанг — сингилларинг, ука бўлсанг — опаларинг, ўғил бўлсанг — онанг, эр бўлсанг — аёлнинг, ота бўлсанг — қизинг сенга омонатдир. Шу шарафидан келиб чиқиб, уларни асра, авайла ва омонатга хиёнат қилмагин. Бу оиладаги ва хонадонимиздаги мажбуриятимиз, ному-симиздир.

Сенга бир дўстим айтган воқеани айтиб бераман:

Бир кун ошхонада овқатланиб ўтирган эдим. Қирқ ёшлар атрофидаги эркак аввал қўл телефони олиб гаплашди, кейин ўрнидан туриб:

— Дўстлар, мен уйланиб, ўн саккиз йилдан бери фарзанд кўрмадим. Ҳозиргина туғуруқхонадан шифокор аёл кўнғироқ қилди — ўғиллик бўлиман. Бошим осмон қадар юксалди. Эй, ошхона соҳиби, шу ердаги

аёли билан ошхонага кирди ва шўрвага буюртма беришди. Лекин аёли:

— Шашликнинг ҳиди димоғимга урилди. Шашлик егим келяпти, олиб беринг. Емаганимга ҳам анча бўлди, — деди. Эркак паст овозда:

— Ҳозир пулимиз фақат шўрвага етади, сабр қил, — деди. Кейин мен...

— Ахир, сиз ўша эркак ва аёлнинг ўзигагина олиб берсангиз етарди-ку.

— Йўқ, бўлмасди. Чунки мен шундай қилганимда ўша эркак нафақат аёли олдида, балки бизнинг олдимизда ҳам уялиб қоларди. Унинг номусини ўйладим, — деди.

Эркаклик номуси... Мана, бир эркак бошқа бир юртдоши, миллатдоши бўлган эркакнинг, умуман, бир инсоннинг номусини ҳимоя қилиши кераклигини билдинг. Бу сенинг кўчадаги эркаклик бурчларингдан бири.

Миллат олдидаги масъулиятимиз — шу элнинг тилини юксак ва покиза тутиш, маданиятини асраш, ривожлантириш, асл тарихини тиклаш, маънавиятини юксакка кўтариш, этиқо-дига садоқат кўрсатиш, маддоҳликдан қочиш ҳамда ҳаммиша ростиини сўзлашдир. «Буни оддий бир инсон қила оладими?» — деб сўрарсан. Миллатнинг сендай ўғиллари кўпдир, кўп бўлсин. Лекин, масалан, миллат тили учун бошқа тилларни билиш баробарида она тилингни билсанг, пок сақласанг ва болаларин-

Яхши ўғил бошимизни осмон қадар кўтарди, ёмон ўғил қаддимизни букади, бошимизни ердан ҳам пастга эгади.

11 сентябрь 2019 йил. Вазирлар Маҳкамасининг «Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.



Ибратни кишига ўз ҳаёти беради.
Бу рост. Ўтаётган ҳар он хотира-
миз зарварақларига ўзининг ўчмас би-
тикларини битади. Гоҳо маънос, гоҳо
шодон. Мана шу кечмиш сабоқлари
бизни тўғри йўлга чорлайди — адолат
манзиллари сари етаклайди. Ҳар ким
ўзича ҳақ!

Одам бўлиб келдик, одам бўлайлик...

Лекин оқу қорани ажратиш, вақти олийнинг ҳукмига ҳавола. Бугунги ташвишлар, югур-югурлар ўзгача. Манфаат отлиги юзидида қўлани кенгайтиргани-кенгайтирган. Худди шу йўлда ўзликини сақлаб қолиш, инсон шарафига муносиб бўлиш мушкуллик туеираётгандек туюлади, инсониятга. Нима учун, дейсизми?! Бу ҳақда фикрлашмоқ илинжида биз ҳам тафаккур пучмоқларида далил кезиндик. Инсоф чорраҳаларида инсон ҳақида сўзламоққа тутиндик.

Яқин-яқингача баъзи ўй-хаёлларимда чалкашлик борлигини бир-икки воқеа сабаб англадим. Бошқача тўхтамга келдим: сал кечикиб, албатта. Халқимизда, инсоф сари барака ённки инсофи йўқнинг имони йўқ, деган нақллар бор. Қаранг, инсоф қандай улуг неъмат-а? Утган ҳаётда инсоф этагидан тутиб, умргузаронлик қилиш шунчалик қийинми?! Келинг, энди бу кўҳна олам ибратларига бир назар солайлик.

Зумрад қиш ҳам яримлаб қолган. Кечики пайт. Ишдан қайтганман. Оёқ остида ингранаётган хас-чўлларнинг мунгли оҳ-воҳларига қулоқ тутаман. Ибратли ўйларга толаман. Кўнгил чигилини ёзиш

Яқинлик ришталари бор билан йўқнинг ўртасида сарсон, — деди бармоқларини қисирлатиб, хиёл энгашиб. Тагин қоматини ростлаб олди. Айтидиган гапларини қайта ўйлаб, яна ҳужумга ўтди. — Ишларим юришмади. Савлола касод бўлдим. Бу менинг ишим эмас экан. Олган қарларимдан ҳам бир амаллаб қутулдим. Ишга кирдим. Кимнингдир қош-қовоғига қараш ҳам жуда азоб экан. Чидаялман. Лекин тўртта турунг қилиб кўнгиллашадиган йўқ. Ҳамма банд: вақт... Ке, қўй, дейману дилим ўртади. Ҳол сўрайдиган дўстларим, пулим, тутаб, ишим юришмагач, қорасини кўрсатишмади. Омадим чопамагач, улар ҳам унуттишти. Инсофсизлик-ка!..

Бошқа гап-сўз бўлмади. Ўн-ўн беш лаҳзалик сукунат бизни анча-мунча улгайтиргандек эди гўё. У хайрлашди. Қалбилаг оғриқ, алам, нигоҳларига кўчгани яққол сезилди. Қўл узатаркан, бармоқларидоги титроқни пайқадим. Нолинмасди, сира ҳам. Шукроналик шинавандаси эди. Нолганларни жини суймасди. Жеркиб берарди, бир неча йиллар олдин. «Инсофинг борми, берганига шукр қилиш керак» деб уқтиргани-уқтирган эди. Энди-чи? Тамоман тескариси: ўзаро оқибатсизликдан, орадан инсоф кўтаришганидан ёзғирди. Балки шундайдир ҳам. У ортига ўтирилди-ю, қадамни тезлатди. Ёруеда яттираган кўзёшларини кўриб, этим жимирлади. Наҳотки, инсофга аза очган бўлса, дедим беҳосдан пичирлаб...

Инсоф инсониятга шу қадар зарурми?! Инсофли бўлишнинг маълум бир мезонлари ҳам борми?! Билмадим. Чиндан ҳам инсофсизлик сабаб кўплаб юракларга оғриқ иннаётгани бор гап. Бу оғриқ секин аста буй кўрсатиб, уни орамиздан олиб кетади. Инсофсизлигу динатсизликдан келадиган чексиз оғриқ бошимизга «инфаркту» «инсулту» деган азобларни ёғдиради. Кимнингдир умрига зомин бўлса, бошқа бировни бир умр ёстиққа михлаб қўяди.

Очини, ҳали-ҳануз ўзимга келолмадим. Ҳаёлим паришон: ўйлаб ўйимга етолмайман. Қачон инсофга дарз етди-а?! Ўзганинг иссиқ-совуғидан хабар олиш бизда олий қадрият эмасми?! Дунёдаги янгиланишлар, мулкдор қатламнинг шаклланиши бунга гов бўла оладими?! Инсоф билан инсон бўлиб яшаш шунчалар қийинми?! Менимча, бутун мушкул-ов! Боиси битта: узоқни кўра олмадик. Эсласангиз, Гафур Гуломнинг «Менинг ўригинга болам» ҳикоясида ўрни билан кампир диллашади. Юракдаги бор-йўқларни гаплашиб, ҳамлард бўлишади. Ҳикоядаги ушбу ҳолатта эътибор беринг:

«...Энди буюққа қара, ўғри болам, ҳадемай тонг ҳам ёришиб қолар. Ана, ёруғ юлдуз ҳам тиккага келиб қолди. Ошхонанинг ёнидаги туддан сирғалиб паства туш, ўтинимиз йўқ. Ошхонада бир замоналар боелдан келган бир-иккита ёнғоқ тўнка бор, болтани олиб, шунинг бир чеккасидадан озгина учуриб бер, қумғон қўяман. Кеча тоғанг бериб кетган зогордан икки-

тасини олиб қўйганман, биргалашиб чой ичамиз.

— Йўғ-е, буви, — деди ўғри, — тўнка ёриб-ку берарман, аммо чой ичолмайман, чунки кун ёришиб қолса, мени таниб қоласиз. Жуда ҳам юзимни сидириб ташлаганим йўқ, андишам бор, уяламан...»

Мана кўрясизми, бизнинг оғир ўтмишимизда ҳам инсофу динат, андиша, уят мана-ман деган ақл соҳибларини ҳам шошириб қўйган. Тўғрими?! Тупша-тузук қадриятимиз поймол бўлса-я: бу қандай бедодлик. Қандай қилиб, «Инсофини бўри епти...» деган тамғани ўзимизга илтириб олдик. Кечагина эмасмиди, ўғрини «бирор бошқа касб қилсанг бўлмайдим, болам» деб бошини силаганларимиз, инсофу адолатга чорлаганимиз.

Бугун қўшинининг фарзанди кўз ўнгимизда ёмон йўлга юраётганини кўриб турсак-ла, индамаймиз. Яқинимизнинг бошига ғам-ташвиш ёғилса, ўзимизни четга оламиз. Узоқ-узоқдан уни бўҳтон қилишдан ор қилмаймиз. Бармоғимизни биғиз қилиб кўрсатамиз. Ҳаттоки, бир бора кўнгирик қилиб ҳол сўрашга ярамаймиз. Мусибатли дамларда ишонганимиз ҳам нари кетади. Бир оғиз ширин сўз, далага муҳтож кезларда, билиб-билмай (тушу-


ниб-тушунмай) юз буришади. Шу билан ҳаёт тамомдек, улар наздида. Яратган барча синовларни муқофоти, сабоғи билан беради-ку! Тўғри, эртага ҳаммаси нзига тушгач, узроҳонлик билан яна ҳамма дўстона (таниш-билишлик) ришталар қайта тикланиши мумкиндр. Бироқ кўнгил ойнасини чил-чил қилган азиятни унутиб бўладими?! Инсофсизлик қилингани ёлдан кўтариладими?!

Қадрдон, бошимизни баланд тутиб, инсоф билан яшайлик. Имкон борида бир-биримизни қадрлашга одатланайлик. Ўткинчи лаҳзаларни фақат ва фақат қувонч билан безайлик. Мағрурликдан, кибрдан озгина бўлса-да, чекиниб, инсон бўлиб яшайлик...

**Одам бўлиб келдик, одам бўлайлик,
Элу юрт дардига маҳкам бўлайлик.
Зулмат хоналарни ёритмоқ учун,
Маиғал бўлолмасак, бир шам бўлайлик...**

Бу даъватнинг ўтли савдоси юракларда ҳар қачон жаранглаб турганига нима етсин!

Ғайрат ШИРИНОВ



учун узоқ кезинаман. Бирдан «Бормисан?» деган таҳликал товушдан ҳушимга келаман. Рўпаракли унутаётган ҳамхонам, курсдошим.

— Э-э! Омонсиз, — деб унга томон қулоқ ёзиб талпинаман.

Унинг алпдек қоматидан асар ҳам қолмаган. Хира чирок ёруғида кўзлари ичига боғгани, озиб-тўзганидан ёноқлари бўргани сезилади. Дардли кўз қарашларидан ниманидир ўқиш имконсиз. Аммо овозидаги ўқтамлик йўқолмаган: ўша-ўша.

— Тузуқмисан, — деди сенсираб. Унинг бу гапидан дилим равшан тортиди. Барибир олифталиги ўзгармабди, дедим ичимда. Кўпинча, у ўзини бошқалардан устун қўйганда «сен»ларди-да.

— Ёмонмас, бир амаллаб юрибмиз, — деб пичинг қилдим. Тунд қисфаси янада тундлашиб, қўлини ҳавода бир-икки сермаб, юришга чоғланди. Тушундим. Нимадир лемоқчи, айтолмайпти. Унга дардини тўкиб-солишга имкон бердим. Индамай ортидан эргашдим. Талмовсираб, у ёқдан-бу ёқдан гапириб борди. Тўсагдан, «Инсофинг борми, бир хабар олмайсан» деб қолди. Мен уни излаганимни, бошқа танишлардан сўраб-суриштирганимни айтдим. У эса кескин тарзда: «Барибир...» дея иккала қўлини бир-бирига ишқади. Ва сўзида давом этди:

— Ўзи одамларда инсоф қолмаган.



16 сентябрь 2019 йил. Вазирлар Маҳкамаси «Кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар билан боғлиқ устамалар тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқлади.

ЭЪЛОН

«SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2019 йил 30 сентябрь куни соат 11:00 да Термиз шаҳри «С.Оллоҳёр» кўчаси ёқасида бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Термиз нефть база» масъулияти чекланган жамиятига тегишли тизимидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда.

1. Қизирик туман «Киршак» ҚФЙ «Киршак» маҳалласи ҳудудида жойлашган умумий ер майдони 971,85 кв.м бўлган 47-сонли ФЭТШ бино иншоотлари мажмуа ҳолда. Бошланғич баҳоси: 24 592 731 сўм.

2. Қизирик туман «Янгиҳаёт» ҚФЙ «Янгиҳаёт» маҳалласи ҳудудида жойлашган умумий ер майдони 1 122,40 кв.м бўлган 24-сонли ФЭТШ бино иншоотлари мажмуа ҳолда. Бошланғич баҳоси: 25 037 165 сўм.

3. Шеробод туман Шеробод маҳалласи, ҳудудида жойлашган умумий майдони 3,53 га бўлган «Чорвачилик комплекси» бино иншоотлари мажмуа ҳолда қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси: 7 171 871 400 сўм.

2. Сурхондарё вилояти «Агрокимёхимоя» ҲАЖ тизимидаги 2 дондан иборат минерал ўғитлар тарқатиш шохобчалри қўйилмоқда.

1. Денов туман «Боғи Эрам» маҳалласи ҳудудида жойлашган умумий ер майдони 592,60 кв.м бўлган «Ҳазрабоб» минерал ўғитлар сақлаш ва тарқатиш шохобчаси биноси. Бошланғич баҳоси: 46 500 000 сўм.

2. Денов туман «Қораланг» маҳалласи ҳудудида жойлашган умумий ер майдони 25,40 кв.м бўлган минерал ўғитлар омбори, тароҳона ва қоровулхона бинолари. Бошланғич баҳоси: 16 420 000 сўм.

Савдога иштирок этишни хоҳлаган талабгорлар объектлар билан Сурхондарё вилояти «Агрокимёхимоя» ҲАЖ ва Термиз нефть база» масъулияти чекланган жамияти масъул ходимлари орқали танишишлари мумкин.

Аукцион савдосига қатнашиш учун талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, 2019 йил 27 сентябр соат 18:00 гача ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқаси соат

9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади.

Юқоридоги мулклар 2019 йил 30 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ёки савдо голиби белгиланган муддатда шартнома имзолашдан бош торгса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартлари бажармаса, такрорий аукцион савдоси 2019 йил 15.30 октябрь, 14.29 ноябрь, 13.27 декабрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олинганда маълум қиламиз.

Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) календар кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва шартнома тузилган саналдан бошлаб томонлар келишувига асосан мулкнинг сотилиш баҳосини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Аукцион савдоларига қатнашиш истагани билдирган жисмоний ва юридик шахслар закатат келишуви тузилганидан кейин, объект бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизи миқдорда «SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖнинг ХАБ «Траст банк» Термиз филиалига (МФО:01063. ИНН:304558702), 2020 8000 3007 1118 3001 ҳисоб рақамига закатат пули тўлашлари ва закатат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қўйилган ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.

Жисмоний шахслар: фуқаролик паспорти, СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами);

Юридик шахслар: Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нухсаси, агар вилоятли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда. СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами).

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ:
«SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ
Термиз шаҳри С.Оллоҳёр кўчаси ёқаси.
Телефон: (76) 223-77-83,
Хизматлар лицензияланган.
Лицензия RR-0291.

Ёзувчилар уюшмаси аъзосиман. Уюшма белгилаган тартибга асосан йилида икки бор тиббий кўрикдан ўтишим керак. Тўғриси, агар шу тартиб бўлмаса, вақтим вақти билан шифокор кўригидан ўтиб туришга ҳафсала йўқ — соғман, нима қиламан вақтимни беҳуда ўтказиб, деган хаёлга бораман. Лекин тартиб ўрнатилгани яхши. Ҳар гал кўрикдан кейин ўзимга, соғлигим қандайлигига эътибор беришим зарурлигини ўйлайман. Мени обдон текширган шифокорларнинг бири бўлмаса, бири, албатта, кўрсатма беради: ё юракни чарчатганим, ёки кўзимни толиқтириб, кўзойнакни мосига элмаштиришга эҳтиёж туғилаётгани каби гапларни эшитаман ва хушёр тортаман. Ахир хавотириланишга асос бор — пенсия ёшига яқинлашяпман. Аъзойи баданим бир хил ва мангу ишлайдиган механизм эмаску!

Вақтнинг ҳам увуоли бор

Тиббиёт соҳаси ҳам кўп, ўндан зиёд шифокор кўригидан ўтишим керак. Эрта-лаб соат 9 га ишга улгуришим учун саккиз бўлмай, поликлиникадан. Агар иккигидан шифокорга уч-расам ҳам, ишимга зиён етказмай, бир ҳафтада умумий аҳволим ҳақидаги маълумотга эга бўлишим мумкин.

Жарроҳлик соҳасидаги врач ишни соат саккиздан бошлади. Белгиланган вақтдан 5 дақиқа ўтяпти ҳамки, у йўқ. Қанча сабри бўлмай, тоқатсизланаётганимни сезаман. Хайрият, ёши мендан ҳам каттароқ опахон шошилмасдан келиб, кўзим тикилган эшикка қалит сукди. Ўрнимдан туриб, салом бердим ва тайёр бўлганда мени чақирганини сўрадим.

— Кийимимни алмаштиришга рўхсат берасизми? — деди опа малол билан. Унинг кўпол муомаласидан дилим оғриган бўлса-да, индамадим. Мени нотўғри тушунганга йўйдим. Қабул қилишга тайёр бўлса, таклиф этишини сўрагандим, холос.

Соатга қарайман. Саккиздан ўн беш дақиқа ўтяпти. Шифокор чақирганини кутяпман. Бунгача икки нафар оқ халат кийган жувон хонага кирди. Бири би-



роздан сўнг чиққан бўлса, иккинчиси ҳали ичкарида. Бейхитёр кўзим яна соатга тикилади, саккизу йигирма. Бугун иккинчи врачга киролмаслигим аниқ. Лекин ҳали биринчисига ҳам кирганим йўқ. Мендан кейин шифокор қабулига келганлар сони ортиб борапти. Уларнинг фикрича, шошилмаётганимдан ажабланган баъзиси «Кирмайсизми?» деб менга савол ҳам беришади.

— Ўзим чақираман, деди, — дейман уларга кутаётганим сабабини тушунтириб.

Тамом, ортиқ чидолмайман. Туриб эшикни очдим. Шифокор хонасига

кирган ҳамкасби билан ниманидир муҳокама қиляпти. Менга норози тикилиб, кўлимдаги қабулхонадан олган кўрик қайд қилинадиган дафтарга ишора қилди.

— Ҳажга боришгामी? Беринг кўл кўяман.

— Ёзувчилар уюшмасиданман. Кўрикдан ўтишим керак.

Ҳамкасб жувон кейинроқ киришини айтиб хонадан чиқаркан, шифокор стулни кўрсатди. Дафтардан керакли саҳифани очиб, ёзган кўйи савол берди:

— Илгари жарроҳлик амалиётини олганмисиз?

— Йўқ.

Дафтарга яна нималарнидир ёзиб, менга узатди. Ўрнимдан кўзгалмаганимни кўриб, ажабланди.

— Сизларда иш соат нечадан бошланади, — дедим унга овозимга расмий тус бериб.

— Саккизда.

— Беморни саккизда қабул қилишингиз керакми, ёки бугун мени қабул қилгандек, саккиз яримдами?

Врач нимадир демоққа оғиз жуфтламоқчи бўлди-ю, ўзини босди.

— Ёшингизни ҳурмат қилиб, бош шифокорга шикоят қилмайман. Лекин барчамиз, иш тартибига риоя этишимиз шарт. Бу давлатимизнинг янада ривожланиши учун фойда.

Шифокор айбини тан олгандек, индамади. Агар бошқа соҳа вакили бўлганимда у бу гапларга чидаб туролмасди, балки. Нима бўлганда ҳам, эътирозимни айтганим учун бироз енгил тортгандек бўлдим. Тартибсизликка қарши жойида чора кўрилмас экан, у одатга айланади.

Биз қаерда ишламайлик, нимани бажармайлик, бу ишни ўзимиз учун, ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилишимиз керак. Хўжақўрсинга, вақт ўтказиш учун ишлаш, орзуларимизни саробга айлантириши мумкин. Шундай экан, ҳар бир дақиқадан, сониядан унумли фойдаланиш орзуларимизга қанот бўлади. Зеро, вақтнинг увуоли — умр заволи.

Хуршид НУРУЛЛАЕВ,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази
Самарқанд шаҳар бўлими раҳбари

Мазкур каналда бериладиган «Актёр» кўрсатувини кузатиб билдимки, лойиҳанинг кейинги қаҳрамони ким бўлиши компьютер орқали аниқланар экан. Бунинг натижасида эркаларга аёл санъаткорлар, қизларга эрка санъаткорлар образи тушиб қоляпти.

Компьютерда эс борми, эс кўрсатувини тайёрлайдиган муҳаррирда бўлиши керак. Бу ҳол иштирокчиларнинг якуний баҳосига таъсир қилмай қолмайди. Бўлажак талантли актёр кераклича балл тўпловмай ўйиндан чиқиб кетяпти. Шунинг учун аёл санъаткорлар алоҳида, эрка санъаткорлар алоҳида тақдим қилиниши лозим. Шунда ўйинда алоқат бўлади. Масалан, битта нозиккина қизимизга Шерали Жўраев тушди. Шерали аканинг овози бас овоз, наинки қиз

«Зўр» ТВ телеканали ижодкорларига текин маслаҳат:

Кўпроқ ўқиш керак

болала, унча-мунча эркаларда йўқ унақа овоз. Оқибатда қиз бола эркача қилиқлар қилишга, мумкин қадар дўриллаб гапиришга, эркача хатти-ҳаракатлар қилишга мажбур бўляпти. Йигитларга аёл образи тушса, ундан баттар: хотинчалиш ҳаракатлар ва бемаъни қилиқлар. Ахир, ўзбекмиз, миллат шайнига доғ туширмайлик, ёш актёрларимизни бачкана роллардан ор қилишга ўргатайлик.

Иккинчи масала. Иштирокчилар танлайдиган мавзу «Жаҳон эстрадаси», «Жаҳон театр ва киноси». Нуқул «жаҳон»дан келадиган кимсалар. Баъзиларини ҳеч ким танимайди! Томошабин танимаса, ким билан солиштиради? Нега «ЎЗБЕК эстрадаси» эмас, «ЎЗБЕК киноси», «ЎЗБЕК театри» эмас? Негаки, кўрсатув муаллифлари ўзбек маданияти бўйича саводсиз! Мен баъзи давлат телеканалларига тайёр лойиҳалар билан чиққанимда, муаллиф ва муҳаррирларнинг ўзбек кино ва театри ҳақидаги би-

лимларини кўриб, уларнинг саводсизлигидан лол қолганман. «Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев қайси театрда, қанақа спектаклда бош ролни ижро этган?» деган саволимга бугун бошли тахририятдан жавоб берадиган биронта мард топилмади! Юлдуз Усмонова, Қумуш Раззоқова, Қозим Қаюмовлар ўйнаган фильмлар борасида ҳам шу аҳвол. Ўқиш керак, азизларим, кўриш керак!

Кимдир: «Нуқул ўзбек театри, ўзбек эстрадаси, ўзбек киноси мавзуси бўлса, ўз қобимизга ўралашиб, тафаккуримиз торашиб қолмайми?» дейиши мумкин. Бу гапни ўзининг миллий маданиятидан ор қиладиганлар айтидилар. Билган одам учун ўзбек санъати уммон қадар чуқур, осмон қадар бепоён. Фақат ўқиш, изланиш керак!

Шароф БОШБЕКОВ,
драматург

Б-ҲАВО	
13 сентябрь	+30°C / +16°C
14 сентябрь	+30°C / +16°C
15 сентябрь	+27°C / +14°C
16 сентябрь	+28°C / +15°C
17 сентябрь	+29°C / +15°C
18 сентябрь	+32°C / +16°C
19 сентябрь	+32°C / +18°C

ob-havo.uz сайтидан олинган.

ЖАМИЯТ

Муассислар:
 Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси. Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси. «Махалла» хайрия жамоат фонди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон экология ҳаракати. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

Бosh муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Тахрир ҳайъати:
 Рустам Комилов
 Рустам Қосимов
 Борий Алихонov
 Акмал Саидов
 Шавкат Жавлонов

Газета тахририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил: Буюк Турон кўчаси 41. Буюртма рақами Г-914 Адади: 1402.

Жума куни чиқади. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Нуриддин Убайдуллаев

Дизайнер: Беғали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.

Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55

Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiyat@mail.uz Газета индекс — 131

«ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. УЗА якуни:

Топширилган вақти: 15.45
 1 2 3 4 5



Сергели туман ҳокими Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири этиб тайинланди.